Шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари томонидан турли жамғармалар ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинаётган якка тартибдаги грантлар қўлга киритиш ҳамда халқаро илмий-амалий симпозиумларда қатнашиш намунали тарзда йўлга қўйилган. Охириги 2 йилда хорижий жамғармалар грант степендияларига университет илмий ходимларининг иштироки сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Ректор, проректорлар, факультет деканлари, профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг хорижий сафарлари

	Ф.И.Ш.	Лавозими, бўлим / факультет/ кафедра	Мамлакат	Хорижий олий таълим муассасаси ёки ҳамкор ташкилотнинг номи	Сафар муддати (кун.ой.йил)	Сафарнинг мақсади ва эришилган натижалар	Сафар мақсади * (мос рақам киритилсин)
	2	3	4	5	6	7	8
1	Хошимов Азизжон Усмонович	спорт мажмуаси тренери	Италия	Ювентус академияси	17.02.2019 23.02.2019	Ювентус академияси ва университет ўртасидаги шартнома имзонланганлиги муносабати билан малака оширишга	1
2	Хохлов Владимир Александрович	архитектура ва қурилиш кафедраси, профессор-ўқитувчи	Россия	Миллий тадқиқот университети	04.02.2019 30.06.2019	малака ошириш	1
3	Маннанова Камилла Улугбековна	архитектура ва қурилиш кафедраси, доцент	Испания		03.02.2019 10.02.2019	малака ошириш	1
4	Тўлаганов Дилшат Убайдуллаевич	табiiй фанлар кафедра мудири	Италия	Турин политехника университети	25.02.2019 04.03.2019	ўзаро тадқиқотларни амалга ошириш ва келгусидаги алоқани режалаштириш	1
5	Абдуллаев Фарход Бахрамович	декан	Япония	Гифу коллежи	16.01.2019 20.01.2019	"ESDPR&EE 2019" халқаро семинарда иштирок этиш учун	2
6	Рустамов Акмал Сухробович	ўқув-услубий бўлим докторанти	Япония	Гифу коллежи	16.01.2019 20.01.2019	"ESDPR&EE 2019" халқаро семинарда иштирок этиш учун	2
7	Зокирова Мехринисо	ўқитувчи	Италия	Турин политехника университети	01.06.2019 30.06.2019	малака ошириш	1

8	Иноятходжаев Жамшид	проректор	Италия	Турин политехника университети	06.06.2019 13.06.2019	янги ўқув йилига музокаралар олиб бориш учун	3
9	Ниязов Фархад	ҳалқаро алоқалар бўлим бошлиғи	Италия	Турин политехника университети	10.06.2019 21.06.2019	янги ўқув йилига музокаралар олиб бориш учун	3
10	Каримов Валижон	лойихалар бўйича муҳандис	Болгария	София кимё-технология университети	07.06.2019 18.06.2019	ERASMUS+RENE S лойихаси бўйича тренинг	2
11	Ширинов Суннатилла	лойихалар бўйича муҳандис	Болгария	София кимё-технология университети	07.06.2019 18.06.2019	ERASMUS+RENE S лойихаси бўйича тренинг	2
12	Сапоев Шамсиддин	лаборант	Болгария	София кимё-технология университети	07.06.2019 18.06.2019	ERASMUS+RENE S лойихаси бўйича тренинг	2
13	Таджиев Зафар	лойихалар бўйича муҳандис	Корея	Санмун университети	30.07.2019 26.08.2019	"Autonomous car Manufacturing 3" лойихаси бўйича тренинг	2
14	Умаров Сардор	маҳсус лаборатория мудири	Корея	Санмун университети	30.07.2019 26.08.2019	"Autonomous car Manufacturing 3" лойихаси бўйича тренинг	2
15	Усманов Саидислом	Шаҳарсозлик муҳандислиги ва архитектура кафедра мудири	Германия	Ваймар университети	24.08.2019 09.09.2019	ERASMUS+ лойихаси бўйича малака ошириш	1
16	Ширинов Суннатилла	лойихалар бўйича муҳандис	Германия	Берлин техника университети	02.08.2019 11.08.2019	ERASMUS+RENE S лойихаси бўйича тренинг	2
17	Шамансуров Жавлон	кадрлар бўлими бошлиғи	Туркия	Ҳалқаро Евросиё Касаба уюшмалари федерацияси	08.09.2019 15.09.2019	малака ошириш	1
18	Исмагуллаев Акмал	ПФО мудири	Туркия	Ҳалқаро Евросиё Касаба уюшмалари федерацияси	08.09.2019 15.09.2020	малака ошириш	1
19	Саломов Уктам Рахимович	ректор	Россия	Дон давлат техника университети (ДГТУ)	02.12.2019 06.12.2019	ДГТУ билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолаш	2
20	Саломов Уктам Рахимович	ректор	Италия	Рим шаҳри	12.12.2019 14.12.2019	ҳалқаро конференцияда иштирок этиш	2

* **Изоҳ:** 8-чи ўстунга тааллуқли Малака ошириш, стажировка, ўқув курслари - 1; Илмий-амалий конференция, семинар, симпозиумлар - 2; Лойиха доирасидаги йиғилишларда иштирок этиш - 3; Тадқиқот олиб бориш, амалиёт ўташ - 4; Бакалаврият, магистратурада ўқиш - 5; Докторантурада ўқиш - 6; Олимпиада, танлов, конкурслар, даволаниш - 7.

II.6. ФАНИ ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯСИ (ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ)

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-916-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2010 йил 29 мартдаги 20-сон мажлис баёни 1.17 бандида белгиланган топшириқлари, 2010 йил 17 апрелдаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат йиғилишининг 3/2-сонли, 2010 йил 25 декабрдаги 13/2-сонли ва 2011 йил 19 ноябрдаги 6/2-сонли (Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида «Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш») қарорларида белгиланган вазифаларни бажариш асосида ташкил этилган.

Университет кафедралари, илмий марказ ва лабораториялари ҳамда технопаркида бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан инновацион ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг муаммоларига қаратилган манзилли ишларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва ушбу режа асосида илмий амалий ишлар олиб борилмоқда. ТТПУда Илмий-техникавий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни ташкил қилиш, иқтисодиётнинг муайян соҳаси корхоналари раҳбарларининг инновация фаолиятини ривожлантириш, илмий тадқиқотларни молиялаш ва биргаликда молиялашдан манфаатдорлигини оширувчи рағбатлантириш усуллари яратилмоқда.

Университетимизда ҳисобот йилида 12 та инновацион гуруҳлар фаолият олиб боришди. Гуруҳлар таркибига университетдан **9** нафар профессор-ўқитувчи, **12** нафар катта илмий ходим-изланувчи ва **23** та мустақил тадқиқотчилар, магистр, **100** дан ортиқ талабалар ҳамда ҳамкор корхоналар вакилларидан **12** нафари киритилган. Инновацион гуруҳлар томонидан кафедра ва илмий марказлар ихтисослашувига мос замонавий корхоналар тўғрисида маълумотлар банки шакллантирилган бўлиб, маълумотлар банкида **20** дан зиёд **саноат, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш корхоналари** ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилди. Инновацион гуруҳлар томонидан корпоратив ҳамкорлик доирасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадида **25** та корхоналар билан шартномалар тузилиб, ушбу корхона ва муассасаларнинг бир қатор илмий-технологик муаммолари ўрганилмоқда. Бу муаммолар асосида илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилган. Жумладан: **135** та битирув малакавий ишлари, **10** та

магистрлик ишлари, 13 та PhD докторлик диссертациялари ҳамда **13** та хўжалик шартномалари доирасидаги изланишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари ҳисобот йилида хўжалик шартномалари асосида Республикамизнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришди. Жумладан, **Машинасозлик технологияси ва авиациакосмик инжиниринг кафедраси жамоаси "СУВМАШ"** да талабалар учун "Суюқлик механикаси" курсида лаборатория машғулотларини ўтказилди (марказлаштирилган сув насосларини синовдан ўтказиш).

Тошкент Ирригация ва қишлоқ Хўжалиги Механизациялаш Муҳандислари Институтида Идоралараро "Суюқлик механикаси" курсида лаборатория машғулотларини ўтказилди (гидрология лабораторияси, насос синов лабораторияси, экскаватор симулятори).

Ўзбекистон Республикаси Сув ва қишлоқ хўжалиги Вазирлиги билан Насос станцияларнинг иш тартибини тартибга солиш алгоритмлари ва усуллари (2016 йил 28 июндаги №04/31-700) бўйича ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган ва хўжалик шартномлари асосида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жорий этишдан олинаётган иқтисодий самарадорлиги 200 млн.сўмни ташкил этмоқда.

Университетда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлари натижалари ҳамда инновацион лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар ТТПУ (www.polito.uz) веб-сайтида доимий равишда ёритиб борилмоқда.

II.7.ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ИШЛАНМАЛАР БОРАСИДА БАЖАРИЛАЁТГАН ИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирар тўғрисида»ги ПҚ-916 сонли Қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2008 йилдан бошлаб ўтказиб келинаётган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» республика ярмаркаларида университетимизнинг профессор-ўқитувчилари ва инженер ходимларининг илмий ишланма ва лойиҳалари намойиш этилиб келинмоқда.

2018 йил 21 сентябрда имзоланган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонида илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги жорий йилнинг **29–31 октябрь** кунлари “UzExpoMarkaz” миллий кўرғазмалар комплексида чет эл ва маҳаллий илмий-инновацион марказлар, инвестицион жамғармалар, технологик агентликлар, технопарклар, бизнес инкубаторларни бир даврада жамлайдиган “**INNOWEEK**” инновацион ғоялар ҳафталигини ўтказди. Бунда университет профессор-ўқитувчилар, докторантлар, магистр вав талабалар, муҳандис ходимлари 10 та ишланмалари билан иштирок этишди.

М-ATV АВТОМОБИЛИ УЧУН ШИНАЛАРНИ ЎРНАТИШ УСКУНАЛАРИ


Хозирги кунда харний транспорт хизмати, айниқса харбий харакатлар пайтида энг кўп мурожаат қилинадиган саволлардан биридир.

Хар бир секунд хал қилувчи бўлиши мумкин, шунинг учун зирҳли транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш жуда муҳимдир!

Шиналарни ўрнатиш ускуналарини ишлаб чиқишимиз шарофати билан ғилдирак ичига кўшимча каучук ўрнатиш жараёни атиги 20 дақиқа давом этади.

Илгари, бу жараён бир ой давом этарди!

**НОВАЯ РАЗРАБОТКА ОТ
TURIN INVEST ENGINEERING!**



**ШИНОМОНТАЖНОЕ ОБОРУДОВАНИЕ
ДЛЯ АВТОМОБИЛЯ М-АТV**

ЕОРС TECHNOLOGY UZCARD МОБИЛ СЕРВИС МАРКАЗ





Банкоматни таъмирлаш ва синовдан ўтказиш учун махсус жиҳозланган микроавтобуслар. Асосий мақсад банк ускуналари ўрнатилган узор жойларга, шу жумладан инфокиосklar, банкоматлар ва ПОС терминалларга хизмат кўрсатишдир.

Автобуслар асбоблар ва эҳтиёт қисмларни сақлаш учун махсус қурилмалар билан таъминланади, орқа томондан 2 иш жойи ва кабинада яна 3 та жой. Шунингдек, махсус диагностика ускуналари ўрнатилган ва электр таъминоти мавжуд.

ЭРГОНОМИК АРМ МАНИПУЛЯТОРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАДБИҚ ЭТИШ

Буюртмачи: ДжиЭм Ўзбекистон Тошкент филиали.

Chevrolet Malibu 2 автомобил дискаларини болтларини ўрнатиш учун, ўрнатиш вақтини 2 минутгача ҳамда инсон ресурсларини тежайдиган, ДжиЭм эргономика нормаларига жавоб берадиган ностандарт манипуляторнинг янги қурилмаси ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди.



МОБИЛ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ УЧУН ISUZU HC40 АВТОБУСИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ

Мактабгача таълим вазирлиги ва “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ҳамкорлигида тайёрланган мазкур мобил боғча мактабгача таълим муассасаси бўлмаган, имконияти чекланган энг чекка қишлоқ аҳолиси учун айти муддаодир. У кўш энергияси асосида ҳаракатланади. Мобил боғчада бир пайтнинг ўзида 16 нафар жажжи ўғил – қизга таълим - тарбия бериш имконияти мавжуд. Бошқача айтганда, кичкинтойлар эмас, балки замонавий шарт – шароитларга эга мўъжаз муассасанинг ўзи болажонларнинг ҳузурига боради.







II.8. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ЧЕТ ЭЛ БИЛАН ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР АСОСИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Жорий йилда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг бакалаврият - талабалар алмашинуви дастури асосида 2 та талаба Италия ва 2 та талаба Германия давлатига, таянч докторантуранинг 2 та - 3 босқич талабалари “Double degree program” асосида Италия давлатига илмий ишини амалга ошириш учун жўнатилди.

Жорий 2019 йилда июл-август ойида университетнинг 2 та талабаси (қиз болалар) яъни улар 2018 йилда мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги, Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан “InnoWeek” инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида ташкил этилган «International Robotics Challenge» халқаро робототехника мусобақасининг ғолиблари Япония давлатининг ГИФУ коллежида ташкил этилган ёзги мактабда “Робототехника” йўналиши бўйича таҳсил олиб қайтишди.

Шунингдек 2019 йил “ЎзАвтосаноат” АЖ томонидан Жанубий Корея давлатида жойлашган SANMOON университети билан ўзаро тузилган академик ҳамкорлик меморандуми доирасида июл-август ойида ташкил этилган ёзги мактабга танлов асосида саралаб олинган 38 та талабаларни таҳсил олишга жўнатилди. Улар «САТІА V6, Part design» дастурини ўрганиш ўқув курси бўйича 1 ой давомида таҳсил олишиб **18 талаба “САТІА V6 3DEXPERIENCE MDE Certificate”** олди. Талабалар томонидан 1/10 ўлчовида 16 та автоуловлар ишлаб чиқишди. Меморандум доирасида **2019-2020 ўқув йилининг иккинчи семестридан икки талабани Exchange таълим асосида ўқитишга жўнатиш ҳақида келишиб олинди.**





Илм-фан ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, хомийлар маблағлари ва грантлари жалб этилмоқда.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳамда Politecnico di Torino ўртасида қўшма докторантура очилди

Жорий йилда ўзининг 10 йиллигини кенг нишонлаган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида юбилей тадбирлари доирасида ҳамкор ташкилотлар хусусан, Politecnico di Torino, «GM Uzbekistan» АЖ ҳамда Тошкент давлат стоматология институти билан келгусида биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ўзаро музокаралар ташкил этилди.

8 май куни университетда бўлиб ўтган “Янги халқаро академик ташаббуслар” мавзусидаги тадбирда Politecnico di Torino университети ректори Гуидо Сарассо, Politecnico di Torino университети халқаро алоқалар бўйича проректори проф. Франсесса Верга сўзга чиқишди ва келгусида Politecnico di Torino ҳамда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ўртасида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар, докторантлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш орқали иккала университет ўртасида илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида гапириб ўтдилар.

Шу куни Politecnico di Torino ва ТТПУ ўртасида халқаро академик ташаббуслар амалга ошириш бўйича ҳамкорлик меморандум имзоланди. Меморандумда Politecnico di Torino ва ТТПУ ўртасида докторлик имтиҳонига номзодларни биргаликда тайёрлаш, уларга кўмаклашиш, шунингдек, ушбу шартномани амалга ошириш учун биргаликда тузиладиган докторлик кўмитасининг тузилиши ва уларнинг таркиби, кўмита докторлик дастурига кирадиган номзодларни баҳолаши, докторлик та’лимининг уч йиллик даврида уларнинг ўсишини кузатиб бориши, ҳар йили рўйхатга

олинадиган номзодлар сонини белгилаши ва ушбу шартномани янгилаш учун таклифлар тақдим этиши, шунингдек, барча докторантлар Италия ва Ўзбекистоннинг амалдаги қонунлари қоидаларга риоя қилишлари шарт эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳамкорлик меморандуми университетнинг илмий салоҳиятини янада ривожлантириши шубҳасиз. Маълумот учун, шозирда университетда 63 та маҳаллий ҳамда 47 та Италия Республикасидан келган профессорлар фаолият олиб боришиди. Университет профессорлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Хусусан, SciVal, Scopus халқаро наشري маълумотлар базасида охириги бор келтирилган Field-Weighted Citation Impact бо'йича бо'йича таққосланган Ўзбекистондаги университетлар рейтингда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети 1-ўринни эгаллаб турибди.

III. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

III.1. ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ ҲИМОЯСИ

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида 2019 йилда қуйидаги 4 нафар ходим техника фанлари докторлик (PhD) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар:

5. 05.08.06. – “Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш” ихтисослиги бўйича Каниев Дж.М. (илмий раҳбар: т.ф.д., профессор Шарипов К.А.);

6. 05.02.02. – “Машина ва механизмлар назарияси, машинашунослик ва машина деталлари” ихтисослиги бўйича Пулатов Т.Р. (илмий маслаҳатчи т.ф.д., профессор Махкамов К.Х.);

7. 05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари “Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш” ихтисослиги бўйича Бердимуратов П. (илмий маслаҳатчи: т.ф.д., профессор Маматов Ф.);

8. 05.05.06. “Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари” ихтисослиги бўйича Султонов М. (илмий маслаҳатчи т.ф.д. Имомов Ш.).

Таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлардан Мирзалиев С. 05.08.06. – “Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш” ихтисослиги бўйича PhD фалсафа докторлик диссертацияларини илмий семинарларда муҳокама қилиб, докторлик ҳимоя қилинадиган Илмий Кенгашга ҳимоя учун ҳужжатларни тақдим қилди.

III.2. КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛАР ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида катта илмий ходим-изланувчилар институти 10та таянч докторант ва 2 та мустақил изланувчилар илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

III. 3. МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТЧИЛИК АСОСИДА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга асосан университетида катта илмий ходим-изланувчилик институти ва мустақил тадқиқотчилар фаолиятини ташкиллаштириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлигига университет ва “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан бир қанча долзарб илмий мавзулар тақдим этилди, ҳозирги кунда янги илмий-тадқиқот фаолият олиб бораётган етакчи фан докторлари ва докторантлар томонидан илмий ишлар олиб борилмоқда. Тақдим этилган мавзулардан танловлар асосида 2018 йил учун докторантлар ва мустақил-изланувчиларнинг докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базасида докторлик диссертациялари мавзулари эълон қилинди.

2. Кафедра ва илмий марказларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, мустақил тадқиқотчиларнинг олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари мониторингини олиб бориш мақсадида тадбирлар режалари ишлаб чиқилди. Уларнинг олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари натижаларини муҳокама қилиш мақсадида илмий семинарлар фаолият олиб бормоқда.

3. Университет томонидан 2015 йилдан буён университети профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига Италиянинг Турин политехника университети электрон кутубхонасидан фойдаланишга шароит яратиб берилган. Университетнинг мустақил тадқиқотчилари, шу билан бирга иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимлари Web of Science ва Scopus тизими тўғрисида маълумотлар етказилди. Web of Science ва Scopus тизими фойдаланувчилари илмий-тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб тизимдан мунтазам фойдаланиб келмоқдалар. Жорий йилда 59 та мақолалар чоп этилди

4. Университет докторантлари “Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги корхоналар билан бириктирилган ҳолда янги илмий натижаларини ишлаб чиқариш жараёнларида синовлардан ўтказиб келмоқда ҳамкорликда амалий ишларни фаннинг янги натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилмоқда. Ёш олимлар томонидан халқаро конференцияларда илмий ишни апробациядан ўтказиш, нуфузли хорижий илмий журналларда мақолаларни чоп эттириш бугунги кунда докторлик диссертацияси устида иш олиб бораётган кадрлар олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Университет ёш олимлари ва мустақил тадқиқотчилари томонидан ОАК рўйхатидаги нуфузли хорижий илмий нашрларда 79 дан ортиқ мақолалар чоп эттирилган.

III.4. ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Университетда 2018 йилда иқтидорли талабаларни “Ёш академиклар” мактабини яратиш бўйича янги конструкторлар, робототехнологлар, метрологлар ва математик муҳандислар иқтидорли талабадор орасидан танлаю олинди ва уларнинг илмий изланиш ва ижодий муҳитга кириб келишларида кафедравий ва Давлат дастури доирасида бажарилаётган илмий лойиҳаларга, фан олимпиадалари, конференция ва семинарлар, талабалар илмий жамиятлари ва конструкторлик бюроларига жалб қилиш, шунингдек

илмий ва оммавий нашрларда мақола, ҳикоя ва шеърларини чоп этиш, малакавий битирув ишларини бажаришлари ва мустақил ижодий изланишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда 20 нафардан ортиқ талаба Давлат дастури доирасида бажарилаётган илмий лойиҳалар, чет эл грантлари, хўжалик шартномалари орқали бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларига жалб қилинган.

Иқтидорли талабаларни билим олишлари учун университетда бир қатор шарт-шароитлар яратилган. Улар асосан Мехатроника, Технопарк, Метрология, Турин инвест, Ўзавто инновацион марказларида илмий-техник ва инновацион лойиҳалар устида илмий амалий ишлар олиб бормоқда. Бунинг натижасида 2019 йилда Дубайда ўтган Робототехника бўйича бутун жаҳон мусобақасида қатнашиб энг юқори ўринга сазовар бўлишди.

2019-2020 ўқув йилида факультетларда таҳсил олаётган талабалар орасидан иқтидорли талабаларни танлаб олиш ва уларни ўқитиш бўйича режа асосида ишлар олиб борилди. Талабаларни турли хил танловларга хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ҳамда номли Давлат стипендиялари танлови, халқаро ва республика фан олимпиадалари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловларида қатнашиш учун факультетда таҳсил олаётган талабалар орасидан номзод талабаларни танлаб олиш ва ўқитиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Университетда ёшларни илмий фаолиятга жалб этишни янада ривожлантириш мақсадида “Ёш олимлар кенгаши” ва “Талабалар илмий жамияти” – “Student’s Union” фаолияти тизимли равишда йўлга қўйилган. Бугунги кунда университетимиз талабаларидан 50 га яқини Талабалар Илмий Жамиятига жалб қилинган. Жамият Талабалар турар жойларидаги талабалар кенгаши билан ҳамкорликда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жумладан, талабалар турар жойида истикомат қилувчи иқтидорли талабалар Жамият аъзолигига қабул қилинган. Университетнинг барча факультетларида талабалар илмий жамияти Ёш олимлар кенгаши билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Университет миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияда ўз маърузалари билан иштирок этадилар.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда республика бўйича 2019 йилда “Инновацион ғоялар ҳафталиги” ўтказилди ва бир нечта университет талабалари лойиҳалари билан қатнашиб юқори натижаларга сазовар бўлишди.

Университетда ташкил этилган “Робототехника лабораторияси” самарадорлигини ошириш мақсадида иқтидорли талабалар ўртасида 9 йиллик мехатроника кўрик танлови ўтказилди.

Мехатроника – бу электромеханика, электроника, микропроцессор технологияси, автоматлаштириш ва ИТ технологиялари соҳасидаги билимларга асосланган компьютер томонидан бошқариладиган машиналарни яратиш ва ривожлантиришга бағишланган фан ва технология соҳаси. Тошкентдаги Турин политехника университети ҳудудида мехатроника марказининг очилиши нафақат университет талабаларига, балки ташқи иштирокчиларга ҳам та’лим олиш учун катта имконият яратади.

Жорий йилнинг 22 ноябр куни университет талабалари орасида энг яхши инновацион лойиҳа учун 9-йиллик мехатроника танлови бўлиб ўтди. Университет талабалари ҳар қандай фаолият соҳасидаги лойиҳалар билан танловда иштирок этиш ва лойиҳа ғояси билан таништириш бўйича тақдимот ўтказиш имконига эга бўлдилар. Мусобақада 18та жамоа иштирок этди, улардан 12 нафари тақдимотлардан сўнг ҳакамлар ҳай'ати томонидан саралаб олинди.

Танлов қуйидаги 5 мезон бўйича ўтказилди:

1. Фойдалилиги
2. Пухта ишланганлиги
3. Тузилиши
4. Дацури
5. Янгилиги

Танлов давомида эгаллаган ўринлар эълон қилингандан сўнг, танлов ғолиблари Мехатроника марказида 8 ойлик бепул ўқиш ва курс охирида сертификат олиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2019 йил 29-31 октябрь кунлари НВК "UZEKSPOMARKAZ" павильонида ташкил этилган "INNOWEEK-2019" Халқаро ярмаркаси доирасида Ўзбекистонда "INTERNATIONAL ROBOTICS CHALLENGE" номли робототехника бўйича ёшлар чемпионати бўлиб ўтди.

InnoWeek инновацион ҳафталиги доирасида Ўзбекистонда Халқаро Робототехника бўйича Мусобақа иккинчи маротаба ўтказилмоқда. Мусобақа Инноватсион Ривожланиш Вазирлиги томонидан Исломий Шамкорлик Ташкилоти (ИКТ) қўмагида ташкил этилди. Халқаро робототехника синовларининг асосий мақсади робототехника ривожига дунё давлатлари билан ҳамкорлик қилиш, ёшларнинг спорт ва та'лим робототехникасига қизиқишини ошириш, муҳандислик касбларининг нуфузини оширишдан иборат.

Мусобақада икки ёш тоифасидаги радиотехника ва робототехника ихлосмандлари иштирок этди: 9 ёшдан 17 ёшгача (Junior) ва 17 ёшдан 23 ёшгача (Senior) бўлган 26 хорижий давлатлардан келган ишторокчилар, шу жумладан Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Уммон, Судан, Нигерия, Россия, ва бошқалар. Ўзбекистон номидан JutsRobotics, Robokids, ArtelSchool, Nobelis ва бошқа инноватсион мактаб ўқувчилари мусобақада қатнашдилар. Мусобақа 3 босқичда беш тоифада ўтказилди: Robo-Sumo Senior, Robo Football Senior, Robo-Sumo Junior, Watso Sort Out va Kegel Ring.

Мусобақанинг биринчи босқичида 23-27 октябрь кунлари Тошкентдаги Турин политехника университети ва Кореянинг Ёжу техник институтида бўлиб ўтди. Танловда Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва вилоятларидан келган иштирокчилар қатнашди. Мусобақа натижаларига кўра, халқаро мусобақада қатнашиш учун йўлланма олган 168 жамоадан 68 та жамоа танлаб олинди. Танловнинг 2-босқичи 29-30-октябрь кунлари "О'зекспомарказ" ММКда бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон иштирокчилари бошқа хорижий давлатлар

иштирокчилари билан рақобатлашиш имкониятига эга бўлишди. Энг юқори балл тўплаган жамоалар мусобақанинг кейинги босқичига ўтишди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи 3 босқичи – ярим финал ва финал ўйинлари 31 октябр куни “Ўзекспомарказ” МКМда бўлиб ўтди. Якуний мусобақа натижаларига кўра, Ўзбекистон Kegel Ring тоифасида 1, 2, 3-ўрин, Robo-Sumo Junior ва Robo Football Senior тоифасида 2-ўрин ва Watse Sort Out ва Robo Football Senior тоифаларида 3-ўринни эгаллади. Кичик тоифадаги ғолиблар диплом ва техника (Artel ва Vitsa телевизорлари ва телефонлари) билан, катталар эса диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Республика талабалар фан олимпиадаси:

Университетда иқтидорли талабаларни билим ва кўникмаларни синаш мақсадида 8 апрел – 10 апрел кунлари “Математика”, “Кимё”, “Физика” фанлари бўйича фан олимпиадалари ташкил этилди. Олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссия аъзолари таъйинланди. 8- апрел куни Кимё, 9 -апрел куни Математика, 10- апрел Физика фанларидан I- босқич фан олимпиадаси ташкил этилди. Фан олимпиадасини самарали ўтказиш мақсадида керакли ўқув жиҳозлари ва материаллар билан таъминланди. Юқори ўринларни эгаллаган талабалар сертификатлар билан тақдирланишди ва Талабалар Республика фан олимпиадаси II- босқичига йўлланма берилди.

Университет Республика талабалари Фан олимпиадасининг I-босқичи 4 турда ўтказилди. Олимпиаданинг дастлабки тайёргарлик турли кафедраларда талабаларни ўзлаштириши, фаоллиги, давомати каби кўрсаткичлар орқали саралаб олинди. Бунда 30 нафарга яқин талаба қатнашди. Унда Математика, Кимё, Физика фанидан 20 нафар талаба қатнашди. 1, 2, 3 – ўрин эганлаганлар муносиб тақдирланди ва Республика талабалар Фан олимпиадасининг II- босқичига тавсия этилди (иловада келтирилган).

№	Фан йўналиши	Қатнашадиган талабанинг Ф.И.Ш.	Талаба билан бирга кетадиган илмий раҳбари	Эгаллаган ўрни ва тўплаган бали
1	Математика	Холбоев Достонбек Баҳромбек ўғли	к.ф-м.н.,доц. У.А. Сафаров	330 балл, 1-урин
2	Физика	Улмасов Абдурасул	т.ф.н., доц. Ярбеков А.	390 балл, 1-урин

Халқаро талабалар фан олимпиадаси:

IRO-2019 Халқаро робототехника олимпиадаси



Интернационал Robot Olimpiad Comeetee – 21 йил давомида робототехника олимпиадаларини ўтказишга кўмаклашувчи ташкилот бўлиб, мақсади ёшларнинг техникага бўлган қизиқишини ва илмий фикрлаш қобилиятини ошириш, шунингдек, одамлар ҳаётида роботлардан фойдаланишни кенгайтиришдир.

Жорий йилнинг 15-21 декабр кунлари Чианг Май шаҳри (Таиланд)да 21-Халқаро робототехника олимпиадаси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон жамоалари ҳам иштирок этди ва юртимиз шарафини ғурур билан ҳимоя қилди.

Танлов бир нечта йўналишда: Tag-out, Mission Challenge, Line-following va Creative category challenge бўйича бўлиб ўтди. Мусобақа натижаларига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси бир неча бор шохсупага кўтарилди. Ушбу мусобақада республикамизнинг иштирокчилари 7та медалга сазовор бўлдилар. Улардан бири Тошкентдаги Турин политехника университети талабалари Бехруз Бердиев ва Бунёдбек Зариповга Creative category challenge бўйича фахрли учинчи ўрин насиб этди.

Республика танловларида эришилган натижалар:

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси стипендианти



Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшган муносиб ишчилар ва ёш фаолларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва рағбатлантиришга, уларнинг меҳнатий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ёш мутахассисларнинг исте’доди ва қобилиятларини юзага чиқаришга, шунингдек ходимларнинг касбий маҳоратини оширишга қаратилган қатор ижтимоий лойищаларни амалга оширади.

Жорий йилнинг 25 декабр куни Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта опера ва балет театрида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!” шиори остида 2019 йил якунлари э’лон қилинди. Унда тантанали равишда бир нечта тоифаларда тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. “Энг фаол ёш ишчи касб эгаси”, “Энг намунали бошланғич ташкилот”, “Касаба уюшмалари федерацияси стипендияси соҳиби” ва бошқа номинациялар бўйича ғолибларга махсус совғалар топширилди.

Бу йил мамлакатимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг 14 та фаол ва иқтидорли талабалари “Касаба уюшмалари федерацияси стипендианти” номинациясида ғолиб бўлишдилар.

Танлов натижаларига кўра Касаба уюшмалари Федерацияси стипендиатларидан бири Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг 3-курс талабаси Ишмухамедов Хуршид бўлди. Лауреат ҳар ойда олинадиган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси номидан махсус стипендия билан тақдирланади.

2019 йил 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигида Корея Республикасининг Донхе шаҳрида

бўлиб ўтган Халқаро робототехника чемпионатида иштирок этиб Robo solar йўналиши бўйича 3-ўринни эгаллаган жамоа аъзоларига Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига имтиҳонсиз ўқишга кириш ва контракт тўловини 30% чегирма асосида тўлаб ўқиш имкониятини берувчи сертификатларни топширди.

Талабалар турар жойида талабаларнинг ўзини-ўзи бошқарувини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида «Талабалар кенгаши» ташкил этилган. Спорт- саломатлик йўналишида университет «Талаба» спорт клуби билан ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳар йили талабалар ўртасида спортнинг 7 та тури - футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика, сузиш ва шахмат бўйича курслараро мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

“МДХ учун 100 та ғоя-2019” – Шохрух Ҳайдаров ўзининг “ShAXCAR” номли автомобил тизими лойиҳаси билан иштирок этди.



“МДХ учун 100 та ғоя” лойиҳаси – МДХга аъзо давлатларнинг ёшлар билан ишлаш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни амалга ошириш мақсадида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг халқаро ёшлар лойиҳаси, 2020 йилгача бўлган даврда халқаро ёшлар ҳамкорлиги стратегиясини амалга ошириш мақсадида амалга оширилаётган халқаро ёшлар лойиҳасидир. “МДХ учун 100 та ғоя” лойиҳаси 2014 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба амалга оширилади: миллий (саралаш) ва халқаро (якуний).

Жорий йилнинг 15-ноябр куни Бокуда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ёшлари билан ишлаш кенгашининг йиғилиши доирасида Баку Crystal Hall медиа-марказида “МДХ учун 100 та ғоя-2019” халқаро ёшлар лойиҳаси танловида ғолиб бўлган ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидланишича, танловда МДХга аъзо давлатларнинг фан, технология, тиббиёт ва бошқа фаолият соҳаларидаги 30 дан ортиқ ёшларнинг лойиҳалари намойиш этилди, уларнинг 12 нафари ҳакамлар ҳай’ати томонидан ғолиб деб топилди. Танлов ғолиблари орасида Ўзбекистонлик иштирокчи, Тошкентдаги Турин политехника университети талабаси Шохрух Ҳайдаров ўзининг “ShAXCAR” номли автомобил тизими лойиҳаси билан иштирок этди.

“ShAXCAR” автомобил тизими – бу мобил телефон ёрдамида автомашиналарни бошқариш тизими. Тизим (мижознинг ҳоҳишига биноан) барча симсиз WiFi, Bluetooth, GPS, GSM каби узоқ тармоқларда ҳам ишлай олади. Овозни аниқлаш тизими (Voice recognition) орқали, шунингдек, бармоқ излари тизими орқали турли хил операцияларни ҳам бошқаришни амалга ошириш имкониятини беради. Автомобил эгасини огошлантирувчи сигнализатсия ишга тушганида, дунёнинг ицалган бурчагига РОУМИНГ ёрдамида СМС-хабар эгасининг рақамига юборилади.

Лойищалар танлови якунида ғолибларга ғолиб иштирокчи дипломлари ва “МДХ учун 100 та ғоя” лойиҳасида қатнашганлик тўғрисидаги сертификат топширилди.

III. 5. МАВЖУД ИЛМИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

Тошкент шаҳридаги Турин Политехника Университети Илмий кенгашининг фаолияти

Илмий кенгаш аъзолари – 19 нафар

Илмий кенгаш раиси – Университет ректори, ф-м.ф.н., PhD, Ў. Р. Саломов

Илмий кенгаш раиси ўринбосари – Университет проректори, т.ф.д., Ж. Иноятходжаев

Илмий кенгаш котиби – т.ф.н., А. Ярбеков

Илмий кенгаш аъзоларининг 5 нафари фан доктори, 6 нафари фан номзоди.

Илмий кенгаш мажлиси 1 ойда 1 марта тасдиқланган йиллик режа асосида. Илмий кенгашда Университет истиқболи учун режалар тузиш, олиб борилган ишлар муҳокама этилади. Шунингдек, докторантларни қабул қилиш, илмий семинарлар ташкил этиш, илмий ишлар ҳолати муҳокама этиб борилади. Илмий кенгаш кун тартибига қуйидаги доимий масалалар киритилиб борилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Қарорларидан келиб чиқадиган институт жамоасининг вазифалари.

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ва Хукумат Қарорлари ҳамда Фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъат қарорларидаги масалаларнинг бажарилиши.

3. Республика ҳаётидаги муҳим сиёсий-ижтимоий масалаларни муҳокама қилиб бориш.

4. Университетга ташриф буюрган меҳмонлар билан учрашув.

5. Профессор-ўқитувчилар лавозимлари бўйича бўш ўринларга танлов ўтказиш.

6. Илмий унвон олишга талабгор профессор-ўқитувчилар номзодларини кўриб чиқиш ва Олий аттестация комиссиясига тавсиялар бериш.

7. Университет қошидаги академик лицейлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ўқув, услубий ва илмий ишлар, лицейларда ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва давоматларини муҳокама қилиш.

III. 6. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАСИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

2019 йилда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш режасига 6 та докторлик диссертациялари ҳимояси киритилган.

Университетда фаолият олиб бораётган етакчи фан докторлари томонидан тақдим этилган докторлик диссертация мавзулари Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан докторлик диссертациялар мавзулари маълумотлар базасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрь 365-сонли қароридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш борасида илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш бўйича университетда илмий семинар-тренинглар мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Университетда фаолият кўрсатаётган мустақил тадқиқотчилар ва уларнинг илмий маслаҳатчилари томонидан назарий-методологик дастурлар (назарий-методологик дастур умумий концепцияни ва методология масалаларини, назарий асосларини ҳамда ушбу фан бўйича илмий тадқиқотлар усуллари ўз ичига қамраб олган) ишлаб чиқилмоқда.

Университет Кенгашининг қарорларига биноан факультет ва бўлимларда, тасдиқланган жадвал асосида 2018 йилда илмий-тадқиқотчилик соҳасида эришилган ютуқлар ва илмий натижалар кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда муҳокама этилмоқда ҳамда бу соҳада 2019 йилда бажариладиган ишлар режалаштирилмоқда. Кафедраларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг бош мавзусини минтақанинг муаммолари ва Республика фан-техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос ҳолда танланиши ўрганиб чиқилмоқда ҳамда белгиланган намуна асосида барча кафедларнинг мавзулари қайта муҳокамадан ўтказилмоқда.

III.7. МАВЖУД ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

Университет «Вестник ТТПУ» илмий-техника журнали АЖ «Узавтосаноат» ва университетнинг қарори билан илмий-техникавий журнал сифатида 2012 йилдан университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан чоп этиш учун рухсат берилган. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети «Вестник ТТПУ» журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида»ги гувоҳнома бўйича 17 ноябрь 2016 йилда №0890 рақами билан рўйхатдан ўтказилган ва уч тилда – ўзбек, инглиз ва рус тилларида мақолаларни чоп қилиш ва ҳажми 10 босма табоқ бўлишига рухсат олинди.

ТТПУ «Вестник ТТПУ» куйидаги фан тармоқлари бўйича ихтисослашган:

- **Техника, математика ва табиий фанлар серияси** - механика, машинасозлик, материалшунослик, архитектура ва қурилиш, энергетика, математика, информатика, физика, кимё, экология.
- **Гуманитар фанлар серияси:** тарих, филология, педагогика ва иқтисодиёт
- Тегишли ҳолларда илмий мақолаларни чоп этиш бўйича илмий рукнлар мавжуд.
- ISSN рақами 2181-8886 (халқаро стандарт рақами) билан рўйхатга олинган.
- Журнал www.polito.uz веб-сайтида ўзининг алоҳида веб-саҳифасига эга.
- Чоп этиладиган материаллар таҳририят талаби асосида тақриздан ўтказилади.
- Таҳририят аъзолари таркибида тегишли фан тармоғи бўйича камида 3 нафар фан доктори илмий даражасига эга мутахассислар мавжуд.

Журналда чоп қилинаётган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар нуфузли халқаро журналлар қаторида такомиллаштирилмоқда. Мақолаларни университет қарори билан чоп қилиш йўлга қўйилган. Журналда чоп қилинаётган илмий мақолалар университетнинг етакчи олимлари ва бошқалар томонидан қайта кўриб чиқилмоқда ва ижобий хулоса бўлган ҳолда нашрга тавсия қилинмоқда. Журнал савиясини янада ошириш учун журнални сифатли қоғозда ва сифатли нашрдан чиқариш йўлга қўйилди. Университет профессор-ўқитувчиларининг айниқса тадқиқотчиларнинг ва магистрларнинг мақолаларини кўпроқ жалб қилиш мақсадида кафедра мудирлари ва марказлар раҳбарлари масъуллиги оширилган.

Журнал техника фанлари йўналишида чоп қилинган маҳаллий мақолалар бўйича ОАК рўйхатига киритилган ва ҳозирги пайтда физика-математика, кимё ҳамда гуманитар фанлар йўналишида ҳам ОАК рўйхатига киритиш ишлари амалга оширилмоқда.

IV. ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

IV.1. Эришилган илмий натижалар

Жорий йилда университет кафедралари ва илмий марказларининг ИТИ мавзулари бўйича қуйидаги илмий натижалар олинди:

Табий математика фанлари кафедраси бўйича

Тўқималар инжинерияси учун бошқарувчан эрувчанликка эга бўлган, қулай суюқланиш мойилликни, юқори механик мустахкамлик ва биофаол хоссаларни намоён қиладиган силикатли шишалар яратилган. Биологик фаол шишалар, биошиша-органик узатувчи бирикмали композитлар, полимер прекурсорларидан ва биошиша асосида гибридли композитлар синтезлари амалга оширилмоқда. Шунингдек коррозион мухитларда олинган материаллар деградациясини ўрганиш ва ISO 10993-14 стандартига мувофиқ олинган материалларнинг деградация ва биофаоллик синовларидан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда (**т.ф.д. Туляганов Д.У.**).

Золь-гель технологияси орқали ғовакли титан диоксиди, углерод ва силикагель асосида нанотузилишли материаллар олиш усули ишлаб чиқилган. Илк бор ишқорий-ер металл ионларини ғовакли TiO_2 га импрегнациялаб монокристалл перовскитларнинг мақсадли синтези амалга оширилган ва азот билан допирлаш орқали олинган оксинитридлар ёрдамида кўринувчан соҳада органик зарарли моддалар фотодegradацияси асосланди. Бир босқичли золь-гель технологияси ёрдамида олинган титан диоксиди, углерод ҳамда силикагель асосидаги адсорбентлар билан фенол ва унинг хосилаларини ўзаро таъсирлашиш механизми исботланган. Адсорбцион-фотокаталитик реакцияларнинг механизмига, жараённинг термодинамикаси ва кинетикаси, органик зарарли моддаларнинг фотодecomпозициясидаги адсорбент/фотокаталитизаторлар табиати ҳамда ғоваклилик эффекти таъсири аниқланган (**к.ф.д. О.Н. Рўзимуратов**).

Махсусликка эга бўлган бир ўлчовли акслантиришлар инвариант ўлчовлари абсолют узлуксизлиги ўрганилди. Критик интервал акслантиришлари учун термодинамик формализм кўрилди ва кичик тасодифий силжишлари марков занжири бўлиши исботланди. Критик айлана акслантиришлари учун Хаусдорф ўлчови топилди ва интервал акслантиришлари ренормализациялари асимптотикаси таҳлил қилинди (**ф.-м..ф.д., проф. Джалилов А.**).

Қуйидаги тенгламалар системаси учун иккиламчи (нотугри) масалалар қуриб чиқилди: Вакт йуналиши узғариб турувчи параболик тенгламалар системалари; Вакт ва аралаш типдаги тенглама йуналиши бўйича узғариб турувчи параболик типдаги тенгламалар системалари; Аралаш типдаги тенгламалар системаси; Хар канак тенгламалар системасини ечиш учун априор баҳолар олинди, шартли бардошлилик ва ягоналик теоремалари исботланди (**ф.-м..ф.д., проф. Фаязов К.**).

Математик инжиниринг Erasmus+ ECCUM лойиҳасида академик координатор сифатида қатнашилди. Лойиҳа бўйича университетда Математик инжиниринг бўйича магистратура очилиши ва компьютер маркази очилиши режалаштирилган **(т.ф.н., доц. Хусанов К.А.)**

Масс-спектрометрга уланган юқори самарадор суюқлик хроматография усули ёрдамида спортчилар организмидаги мельдоний препаратини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилди. Бундан ташқари, халқ табобати ва тиббиётда ишлатиладиган доривор ўсимликлар (Мандрагора, чақиртиканак, сумбула) таркибини чуқур кимёвий таҳлиллари олиб борилди. Олиб борилган таҳлиллар, баъзи бир гиёҳлар таркибида спортда тақиқланган кимёвий моддалар тутиши сабабли уларни спорт тиббиётида фойдаланишга яроқли эмаслигини кўрсатилди **(PhD Солиев А.Б.)**

Металл оксидлари асосида яратилган фотокаталитик системаларнинг ёруғликнинг кўринувчи соҳасида сезувчанлиги аниқланди. Ўрганилган нано тузилишли материалларнинг тақиқланган соҳаси энергетик қийматлари аналогларига нисбатан солиштирилди. Ушбу системаларни қуёш элеменларини яратишда фойдаланиш йўллари тадқиқ қилинди **(т.ф.н. Ярбеков А.Э.)**

Динамик умумий мувозанат моделларини ечишнинг ва таҳлил қилишнинг муқобил усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётда макроиктисодий кўрсаткичларни қисқа ва ўрта муддатда прогноз қилиш учун тадбиқ этилди **(кат.ўқит. Одилов А.А.)**

Машинасозлик технологияси ва авиациакосмик инжиниринг кафедрасида

Тайёрланган ва бошланган лаборатория стендлари:

- Нексия автомобили учун механик трансмиссия;
- Талабалар учун суюқлик қувват лабораторияси;
- Кобалт автомобили учун автоматик трансмиссия (бошланди);

Ўқув фаолиятидаги янгиликлар:

Автомобилсозлик магистратура талабалари учун "Автотранспорт дизайни" курсини амалга ошириш - Рузимов Санжар;

"Автотранспорт воситаларини лойиҳалаш" курсида автотранспорт воситаларини динамик таҳлил қилиш учун Matlab G` Simulink дастуридан фойдаланган ҳолда симуляция ишларини ўтказиш - Рузимов Санжар, Сейран Асанов;

"Экспериментал статистика ва механик ўлчовлар" курсида лаборатория машғулотларини ўтказиш (маълумотларни статистик таҳлил қилиш учун Minitab daturidan фойдаланиш) - Франко Пеллерей, Сейран Асанов

"СУВМАШ" да талабалар учун "Суюқлик механикаси" курсида лаборатория машғулотларини ўтказиш (марказлаштирилган сув насосларини синовдан ўтказиш), Мауритсио Россо, Санжар Мирзалиев

Тошкент Ирригатсия ва қишлоқ Хўжалиги Механизациялаш Муҳандислари Институтида Идоралараро “Суюқлик механикаси” курсида лаборатория машғулотларини ўтказиш (гидрология лабораторияси, насос синов лабораторияси, экскаватор симулятори), Мауритсио Россо, Санжар Мирзалиев

Бошланган ва давом этаётган лойиҳалар:

Эрасмус + Олий таълимда мехатроникани жорий этиш бўйича лойиҳа;

Эрасмус + Электр транспорт воситалари ва гибрид транспорт воситалари лойиҳаси;

Эрасмус + Ўзбекистонда космик технологияларни ривожлантириш лойиҳаси;

Разработка и внедрение технологии обработки органических осадков сточных вод пищевых предприятий (ЎзРИнновацион ривожланиш вазирлиги));

Модернизация конструкций и изготовление опытного образца центробежного насоса (Д 4000-95-СМ в АО «Сувмаш», ЎзРИнновацион ривожланиш вазирлиги);

«Автоматик назорат ва Компьютер Инжиниринг» кафедраси

Автоматик бошқариш ва компьютер муҳандислиги кафедраси ходимлари "UzAuto Market" инновацион стартап лойиҳасида 2-ўринни эгалладилар.

Жорий йилнинг 31 октябр куни Автоматлаштирилган бошқарув ва компьютер инжиниринги бўлими "Ўзавтосаноат" АЖ томонидан ташкил этилган "ЎзАвто" бозор инновацион платформасида "Кўкрак беги саратонини сунъий интеллект ёрдамида диагностика қилиш" лойиҳаси билан стартап танловида иштирок этди.

Танловга Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан 140 дан ортиқ аризалар келиб тушди ва UzAuto Market стартап платформасида энг яхши 20 та лойиҳага киритилган.

Мусобақа натижаларига кўра, “Автоматик бошқариш ва компьютер муҳандислиги” кафедраси мудири Н.Е Махаматов раҳбарлигида ва З.Д. Тошпўлатов ва М.М. Пирназаровларнинг "Сунъий интеллект ёрдамида кўкрак беги саратони диагностикаси" лойиҳаси иккинчи ўринни эгаллади. Лойиҳа муаллифларига 20 миллион сўм миқдорида пул мукофоти топширилди.

Автоматик бошқариш ва компьютер муҳандислиги кафедраси ходимлари "Янги ишлаб чиқариш технологиялари " НТИ СПБПУ ваколатли маркази мутахассислари билан биргаликда "University Alliance SAP" дастури кўмагида Тошкентдаги Турин политехника университети (ТПУ) ўқитувчилари учун "Интеллектуал корхоналарнинг бизнес жараёнларини қуриш" дастури бўйича доимий ўқув курсини ўтказдилар.

Ушбу курс университет талабалари ва ўқитувчилари учун кенг камровли 2 йиллик ўқув дастурининг биринчи қисми бўлиб, унинг мақсади

Ўзбекистондаги энг йирик холдинг "Ўзавтосаноат" АЖ рақамли трансформация лойиҳаларида иштирок этиш учун малакали кадрлар тайёрлашдан иборат, бунга минтақадаги автомобил заводлари, шунингдек Корея Республикаси, Италия, Германия, АҚШ, Япония бошқа мамлакатларнинг хорижий капитали иштирокидаги компаниялар. Ушбу курс ERP тизимлари билан боғлиқ иккала назарий жиҳатларни ва инновацион S/4 HANA платформасида бизнес жараёнларини куриш бўйича амалий машғулотларни ўз ичига олди.

Ижтимоий гуманитар фанлари кафедраси бўйича

